

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 15 октябрь, № 202 (5876) Сешанба


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий мамлакат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик, хотиржамлик, тараққиёт ҳамда фаровонлик тилаб, эзгу ва самимий истаклар билдирилган.*

*Жумладан:*

Америка Қўшма Штатлари Президенти
**Барак Хусейн Обама;**

Иордания Подшоҳи
**Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн;**

Қатар Давлати Амири
**Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний;**

Қатар Давлати Бош вазири,
Ички ишлар вазири
**Шайх Абдуллоҳ бин**
**Носир бин Халифа Ол Соний;**

Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин озодлик ташкилоти
Ижроия қўмитаси раиси,
Фаластин миллий маъмурияти раиси
**Маҳмуд Аббос;**

Озарбайжон Республикаси Президенти
**Илҳом Алиев;**

Туркманистон Президенти
**Гурбангули Бердимуҳамедов;**

Тожикистон Республикаси Президенти
**Имомали Раҳмон;**

Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси
**Шайх ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода**
ўз табрикларини йўлладилар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари.

Ушбу саодатли кунларда Сизни ва Сиз орқали барча юртдошларимизни улуғ айём — Қурбон ҳайити билан муборак заминда ҳаж ибодатини адо этаётган ҳожиларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Истиқлол шарофати билан динимиз арконларини эмин-эркин бажариш учун барча шароитлар, хусусан, Ватанимиздан муборак ҳаж сафарига бораётган фуқароларимиз учун яратиб берилаётган имконият ва қулайликлар Сизнинг ўз халқингизга бўлган оталарча ғамхўрлигингиз намунасидир.

Мустақиллик йилларида миллий-диний қадриятларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва эҳтиромингиз туфайли азиз авлиёларимиз қадамжолари обод этилиб, халқимиз ардоғидаги табаррук манзилларга айлантирилиши, юртимиздан етишиб чиққан буюк олиму фузалолар асарларининг нашр этилиши ҳамда халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтириш борасида амалга оширилган эзгу ва хайрли ишлар юртдошларимизни янада улкан зафарлар сари руҳлантирмоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара каби қутлуғ заминда туриб, Сизнинг раҳнамолигингизда мустақил юртимиз ҳамиша омон, элимиз тинч, осмонимиз мусаффо, турмушимиз янада обод бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Муҳтарам Президент Жаноблари, Аллоҳ таолодан Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамиша Ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан**
**муфтий Усмонхон АЛИМОВ**

Маккаи мукаррама, Арафот водийси.
2013 йил, октябрь.

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ



*Инсоннинг тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, қалбида ҳаловат бор экан, у бахтиёрдир. Шу маънода, биз бугун фахру ғурур оғушида яшаб, шукроналар айтсак арзийди. Зеро, Ватанимиз тинч, ҳаётимиз осойишта. Истиқлол туфайли ана шу неъматларнинг қадр-қиммати беқиёс эканлигини чуқур англаб етмоқдамиз.*

*Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамланиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, аҳоли турмуш даражаси яхшиланиб, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топмоқда.*

ШУКУХ





— Инсон қадри улуғланган, буюк аждодларимизнинг мероси эъзозланиб, эзгу амаллари туфайли яхши ном қолдирганлар ёди сарбаланд юртда яшаяпмиз, — дейди уруш ва меҳнат фахрийси Мадамин Ҳасанов. — Меҳр-оқибат, саховат, мурувват каби халқимизга хос фазилатлар янада сайқал топиб, янгича мазмун-моҳият касб этганлиги туфайли турмушимиз фаровон, юртимиз тинч ва осуда. Бугун хайрли ишлари, юртимиз тараққиёти учун беқиёс хизматлари сингган аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланиш бахтига муяссармиз. Азал-азалдан маълумки, қаерда тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат ҳукмрон бўлса, ўша юрт дастурхони қут-баракали бўлади, одамлар бир-бирини қадрлайди. Бу эса ҳар биримизни, айниқса, ёшларимизни бугунги дориламон кунларни қадрлашга, Ер юзида ягона бўлган жонажон Ўзбекистонимизни севишга, Юртбошимиз раҳнамолигида рўй бераётган асрларга татигулик ислоҳотларга камарбаста бўлишга чорлайди.

— Истиқлол туфайли фарзандларимизга яратиб берилаётган шарт-шароит, ўқитувчига кўрсатилаётган эҳтиромни кўриб, ким қувонмайди, ким хурсанд бўлмайди?! Шундай экан, ҳар биримиз бугунгидек фаровон замонда яшаётганимиздан шукрона қилишимиз керак. Бир фуқаро сифатида шу заминда истиқомат қилаётганимдан миннатдор бўлсам, қадри баланд ўқитувчи сифатида истиқлол фарзандларига сабоқ бераётганимдан фахрланаман, — дейди Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги Агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи информатика фани ўқитувчиси Уриш Сафаров. — Вақт ўтди, замон ўзгарди. Бугун она-диёримизда жаҳон андозаларига мос ўқув масканлари ёшлар ихтиёрида, ўқитувчи эъзозда, ғамхўрлик оғушида. Умримни илму маърифатга бағишлаганман. Бахтимни қарангки, мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрами арафасида Президентимиз Фармонига биноан, "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга мушарраф бўлдим. Энди айтинг, менга ўхшаб қадр топганлар озмунчами?! Ниятим, бундай эзгуликлар бошида турганлар ҳамиша омон бўлишсин!

(Давоми 2-бетда).

*Яқинда Президентимиз қашқадарёлик фермерлар билан мулоқот чоғида пахтачиликда ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай дедилар: "Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп. Ҳосилдорлигининг юқорилиги, зараркунандаларга чидамлилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги ва текислиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваламбор, нав танлашда ана шу талаблардан келиб чиқиб, иш тутиш зарур. Бугун сифатли пахта етиштиришдан, аввало, фермерларнинг ўзи манфаатдор. Улар қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топади".*

# ҲОСИЛДОР, ТЕЗПИШАР ВА САНОАТБОП

## Ғўза навларини яратиш олимларимиз зиммасидаги долзарб вазифадир

Дарҳақиқат, пахтачилик тармоғида самарадорликнинг юқори бўлиши, кўп жиҳатдан, парваришланаётган навга боғлиқ. Шу боис мамлакатимиз селекционер олимлари олдига ҳар бир вилоятнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос, ҳосилдор, тезпишар, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, тола чиқиши ва сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ғўза навларини яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш вазифаси қўйилган. Буни чуқур ҳис қилган ҳолда, Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти ҳамда унинг филиаллари томонидан муайян ишлар олиб борилмоқда.

Сир эмас, Ўзбекистон дунёда пахта етиштирувчи давлатлар ичида нисбатан шимолий минтақада жойлашган. Шунинг учун яратилаётган янги навларнинг нафақат ҳосилдорлиги ва толаси сифатига, балки тезпишарлигига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Аслида ҳам, пишиб етилиш даври ғўзанинг жуда муҳим ва қимматли хўжалик ҳамда мураккаб генетик миқдорий белгилари қаторига киради. Нега деганда, бу керакли агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай, сифатли йиғиштириб олишга қулай имконият яратади. Селекционер олимларимизнинг айнан тезпишарлик селекцияси борасида олиб борган изланишлари ўз самарасини бериб, бу борада катта ютуқларга эришилгани қувонарлидир. Айни пайтда республикамизнинг асосий майдонларида экилаётган ғўза навлари бошқа пахтачилик давлатлари ичида энг тезпишар эканлиги шундай дейишимизга асос бўла олади.

Бугунги кунда барча қимматли белгиларни ўзида мужассамлаштирган, шунингдек, экстремал шароитлар, яъни гармсел, сувсизлик, шўрланиш ҳамда сув ва шамол эрозиясига бардошли ғўза навларига талаб тобора кучаймоқда. Шуни инобатга олган ҳолда, ғўзанинг янги ва истиқболли навларини яратиш юзасидан илмий изланишлар изчил олиб борилмоқда.



**Истиқлол йилларида 20 та янги ғўза нави яратилиб, районлаштирилди, 10 та нав эса истиқболли, деб топилди. Энг асосийси, селекционерларимиз ўтган давр ичида тола чиқишини 26-31 фоиздан 34-40 фоизгача, узунлигини 20-28 миллиметрдан 32-35 миллиметргача, битта кўсакдаги пахта вазнини эса 3-5 граммдан 6-7, ҳатто 8-10 граммгача етказишга муваффақ бўлдилар.**

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Тошкентда "Нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси ва экологияда каталитик жараёнлар" мавзуида халқаро конференция иш бошлади. "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси, "Ўзкимёсаноат" давлат-акциядорлик компанияси, Тошкент кимё-технология институти, Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий тадқиқот институти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, Германия, Польша, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон каби мамлакатлардан мутахассислар, олим ва экспертлар ҳамда тадқиқотчилар қатнашмоқда.

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида моддий ва номоддий маънавий меросни муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" ва Интеллектуал мулк агентликлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда архив ҳужжатлари ва интеллектуал мулк объектларини муҳофазалаш, мазкур фондларни янада такомиллаштириш ва бойитиш борасидаги ҳамкорлик самаралари юзасидан атрофлича маълумот берилди.**

● Ўзбекистон Миллий университетида геологиянинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда геология соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар натижалари, фан ва амалиёт ҳамкорлигини кенгайтириш истиқболлари ва янги ихтироларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ишларини янада такомиллаштиришга оид маърузалар тингланди.

**● Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказида меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари ва уни такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарида ишчи-ходимларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар хусусида фикрлашилди.**

● Пойтахтимизда 7-12 октябрь кунлари аёллар ўртасида кўкрак бези саратонининг олдини олишга бағишланган саломатлик кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир "Ҳаёт учун" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Salus vita", "MDS сервис" клиникалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**Мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида**

**1503,6** **километр сув қувурлари тармоғи ишга туширилди.**

Аҳолининг сифатли ичимлик сувидан фойдаланишини яхшилашга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида бажарилган ушбу ишларнинг асосий қисми қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келгани, айниқса, қувонарлидир.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига биноан, жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловлари бўлиб ўтади.*

*Бу тадбирларда 9756 нафар фуқаролар йиғини раиси ҳамда уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида мазкур сайловларга тайёргарлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда.*

# Сайловга тайёргарлик — масъулиятли жараён

Шу жумладан, жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар раислари, ишчи гуруҳлар, маҳаллий ҳокимликлар ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлим ва бўлинмалари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида "Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуида семинарлар уюштирилмоқда.

Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган семинарда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар, янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Бу галги сайловларда вилоят бўйича 306 та фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг 3 мингдан зиёд маслаҳатчилари сайланиши кўзда тутилган бўлиб, шунинг ўзиёқ унга пухта ҳозирлик кўришни тақозо этади, — дейди халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Н. Пардаев. — Қолаверса, ушбу сайловлар янгича ташкилий-ҳуқуқий шароитда ўтказилади. Хусусан, янги таҳрирдаги Қонунга кўра, кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлар ваколатлари кенгайтирилди, айни чоғда улар масъулияти оширилди. Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам янада кучайтирилди. Бундан ташқари, овоз бериш жараёнлари билан боғлиқ қатор янгиликлар борки, унинг моҳияти семинар қатнашчиларига етказилди. Бу, албатта, сайловларни қонунийлик ва юксак демократия талаблари асосида ташкил этиш ҳамда ўтказишимизга қўл келади, деб ҳисоблайман.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган шу мавзудаги тадбирда таъкидланганидек, юртимизда маҳалла институтини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, бунинг учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳим дастуриламал ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир. Зеро, Концепция талаблари асосида янги таҳрирда қабул қилинган Қонун фуқаролар йиғинлари сайловининг ошкоралик, муқобиллик ва тенглик тамойиллари асосида ўтказилишини кафолатлайдиган янгиликлар билан бойитилди.

— Жорий йилнинг ноябрь — декабрь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва унинг маслаҳатчилари сайлови янги таҳрирдаги Қонун талаблари асосида ўтказилишидан келиб чиқадиган бўлсак, сайловнинг барча ташкилотчилари — кўмаклашувчи комиссиялар, ишчи гуруҳлар аъзолари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлим ва бўлинмалари ходимлари, сайловга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари бундан бохабар қилиниши, уларнинг қонунчилик билан боғлиқ билимларини ошириш айни заруратдир, — дейди халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Ж. Иноғомов. — Шундан келиб чиқиб, семинарда Қонунга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ва аҳамияти, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ устувор вазифалар атрофлича таҳлил қилиндики, бунинг барчаси ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирларни уюшқоқлик ва демократия талаблари асосида ўтказишда муҳим омил бўлади.

Сирдарё вилоятида уюштирилган семинар ҳам қизғин баҳсларга бой кечди. Унда иштирокчилар томонидан сайловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, жойларда — ҳар бир фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилгани, уларга зарур услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди.

— Ишчи гуруҳларнинг фаолияти сайлов жараёнида ҳал қилувчи аҳамиятга эга, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Ховос тумани бўлинмаси раиси Ғ. Норбўтаев. — Олдинги сайловлардан фарқли ўлароқ, ишчи гуруҳлар эндиликда навбатдаги сайлов эълон қилингандан кейин ўз фаолиятини тугатади. Бундан ташқари, улар ҳовлилар, уйлар, кўчалар ҳамда шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллалар аҳолисининг фуқаролар вакиллари сайлови бўйича умумий йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, аҳоли умумий йиғилиши иштирокчиларини рўйхатга олиш, йиғилишлар баённомасини тузиш, тегишли комиссияга тақдим этиш учун нафақат фуқаролар йиғини раиси, балки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар бўйича таклифлар тайёрлашга, хуллас, сайлов билан боғлиқ барча жараёнга бош-қош бўлишади. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда ишчи гуруҳларга ёрдамлашиш бўйича зарур тавсиялар берилди. Ушбу тавсиялар асосида фаолиятимизни янада кучайтирамиз, албатта.

Мазкур тадбирларда сайлов жараёни иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш, ишчи гуруҳларга ҳуқуқий қўлланма ва адабиётларни ўз вақтида етказиб бериш, сайлов жараёнларига аҳолини, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларни кенг жалб этиш ҳамда ушбу жараёнларни оммавий ахборот воситаларида батафсил ёритиш каби масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жойларда ишчи гуруҳлар аъзолари иштирокида семинарлар уюштиришга келишиб олинди.

Муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.**







Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Бугунги беқиёс ўзгаришлар, юксак янгиланишларни қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов. — Биргина буюк боболаримиз руҳи покларини шод этиш борасида қанчалар хайрли ишлар амалга оширилди. Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан таъмирланган Бухородаги Масжиди калон, Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуи, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк алломаларимизнинг мақбараларини зиёрат қилган ҳар бир кишининг кўнгли яйрайди. Ер юзининг кўплаб мамлакатларида бўлган киши сифатида айтаманки, ҳеч қаерда маънавиятга бу қадар юксак эътибор берилмайди. Бундай бунёдкорликлар тинч ва осуда, келажакка дадил қадам қўяётган юртга ярашади.

...Бугун иқтисодий инқироз маманман деган давлатларни ҳам ҳолдан тойдириб қўйган мушкул бир вазиятда Ўзбекистонимизнинг ҳар бир гўшасида қурилиш, яратиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси турмушимизнинг янада обод, умримизнинг мазмунли ўтишига замин яратаяпти. Тинчлик барқарор, мақсад-муддаоси улуғвор мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар эса Президентимиз айтганларидек, ҳар бир юртдошимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига қаратилганлиги билан беҳад қадрлидир.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

БИЗ ВА ЖАҲОН

*Яқинда Испания пойтахти Мадрид шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали қабул маросими ўтказилди.*

*Ўзбекистоннинг Мадриддаги дипломатия миссияси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Испаниянинг ижтимоий-сиёсий ва илмий-академик доиралари вакиллари, ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатия миссияларининг раҳбар ва ходимлари ҳозир бўлди.*

# Қабул маросимлари муҳим санага бағишланди

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йиллари давомида эришилган муваффақиятлар, ўзбек халқининг бой маданияти ва тарихи, Ўзбекистон — Испания ҳамкорлигининг замонавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар билан танишдилар.

Қабул маросими доирасида "Интерьер ва безакларда ўзбек матоларидан фойдаланиш" мавзуига бағишланган кўргазма ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола этилди. Моҳир ўзбек усталари томонидан тайёрланган нодир ва гўзалликда беқиёс ҳунармандчилик буюмлари, халқ амалий санъатининг турли-туман намуналари кеча меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, маросимда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясининг ранг-баранг ахборот материаллари ҳам намойиш қилинди. Уларда мустақил мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ва жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ҳамда улар бераётган кенг кўламли самаралар ўз ифодасини топди.

Халқимизнинг ушбу қутлуғ байрами муносабати билан Берлинда бўлиб ўтган расмий қабул маросимида ҳам Германиянинг сиёсий, жамоатчилик, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди. Улар Ўзбекистоннинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда эришган муваффақиятлари билан атрофлича танишдилар.

Қабул маросими доирасида намойиш этилган "Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти" мавзуидаги суратлар кўргазмаси ҳамда "Офарин" миллий ансамбли томонидан тайёрланган маданий дастур кечага алоҳида шукуҳ бағишлади.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбат чоғида **Германия Социал-демократик партияси Берлин депутатлар палатаси фракцияси аъзоси Райнер Леманн** дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шу жумладан, Германия билан фаол ҳамкорлик олиб бораётган Ўзбекистоннинг ривожланиши жараёнларини катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини айтди.

— Ўзбекистоннинг энг азиз ва энг улуғ миллий байрамига бағишланган тадбирда илк бор иштирок этаяпман, — деди у. — Бу ердаги илиқлик муҳити, ажойиб концерт дастури ва меҳмондўстлик менда катта таассурот қолдирди. Мазкур тадбирлар маҳаллий жамоатчиликнинг ўзбек халқи маданияти ва анъаналари, мамлакатимизнинг замонавий тараққиёти ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболлари ҳақида батафсил ахборотларга эга бўлиш имкониятини яратади.

**"Lemken GmbH & Co. KG" компанияси ижрочи директори Энтони ван дер Лей** ўзи раҳбарлик қилаётган компания кўп йиллардан буён Ўзбекистон билан ҳамкорликда иш олиб бораётганини маълум қилар экан, мамлакатимизни Марказий Осиёдаги истиқболли шерик сифатида эътироф этди.

— Биз Германиядаги энг йирик компаниялардан бири ҳисобланамиз, — деди компания директори. — Мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз даражасидан мамнунмиз. Ўзбекистонлик шерикларимиз билан ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш имкониятини муҳокама қилишга ҳамиша тайёрмиз. Тез орада компаниямиз вакилларининг Ўзбекистонга сафар уюштириш режалаштирилмоқда. Бу сафар чоғида биз қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасидаги лойиҳаларни ўрганмоқчимиз. "Lemken" компанияси номидан бизга нисбатан кўрсатилган самимий меҳмондўстлик ҳамда муваффақиятли ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдиришни истар эдим. Ўзаро алоқаларимиз келажакда ҳам изчил тараққий этишидан умидвормиз.

**«Жаҳон» АА.**

ЯХШИ ХАБАРЛАР

## Дастлабки маҳсулот — экспортга

*Томди туманида тижорат банки томонидан ажратилган 700 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига оҳак ҳамда майдаланган тош каби қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи "Томди файз барака" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.*

Айни кунда замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотларга хорижда ҳам талаб ортиб бораяпти.

— Корхонамиз томонидан ўтган бир ойда 10 минг доллардан зиёд маҳсулот ташқи бозорга сотилди, — дейди "Томди файз барака" масъулияти чекланган жамияти раиси Баҳриддин Суннатов. — Келгусида модернизация ишларини давом эттириб, ишлаб чиқариш қувватларини янада оширишни режалаштираяпмиз.

**Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Узумдан табиий шарбат

*Чортоқ туманида замонавий технологияга асосланган қайта ишлаш корхонаси ишга туширилиши натижасида узум шарбатини тайёрлаш йўлга қўйилди.*

"Алихон узум шарбати" масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа ёрдамида йилига 1000 тонна узумни қайта ишлаб, озиқ-овқат саноати учун зарур хом ашё тайёрлаш мумкин.

Эътиборлиси, корхонага ўрнатилган хорижий технология ёрдамида дастлабки ойнинг ўзида 100 тоннага яқин узум ҳосили қайта ишланиб, 7000 декалитрдан кўпроқ табиий шарбат тайёрланди. Корхона буюртмалар портфелига ҳозирданоқ илк шартномалар келиб тушаяпти. Шундан келиб чиқиб, йил охирига қадар 500 тонна ҳосилни қайта ишлаш кўзда тутилмоқда.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ИНТИЛИШ

*Урганч шаҳрида тадбиркор Жамол Эшчанов ташаббуси билан янги турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Best butter production" хусусий корхонаси ташкил этилди.*

## Илғор технология асосида

Бунинг учун тадбиркор 200 миллион сўмлик банк кредити ва ўз маблағи эвазига хориждан янги технологияни харид қилиб, ишга туширди. Натижада корхонада кунига 2 тонна сифатли маргарин ва сариёғ маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти юзага келди.

Эътиборлиси, Урганч шаҳрида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 106 миллиард сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланди.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲОСИЛДОР, ТЕЗПИШАР ВА САНОАТБОП

## ғўза навларини яратиш олимларимиз зиммасидаги долзарб вазифадир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Жумладан, "Наврўз" нави 2011 йилда истиқболли навлар қаторига киритилган эди. Жорий йилда эса Тошкент вилоятида 2,8 минг, Жиззах вилоятида 2,2 минг, Сирдарё вилоятида 300 гектар майдонга экилди. Бундан ташқари, 2012 йилда "Парвоз" ва "Тўрақўрғон-4" навлари, 2013 йилда эса "Пахтакор-1", "ЎзПИТИ-201" ғўза навлари "истиқболли" деб топилиб, бирламчи уруғчилигини ташкил этиш учун ерга қадалган бўлса, ўтган йили давлат реестрига киритилган "Андижон-37" нави Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида жами 3,5 минг гектар майдонда парваришланди.

Ҳозирги кунда институт ва унинг филиалларида яратилган "ЎзПИТИ-102", "ЎзПИТИ-103", "ЎзПИТИ-201", "ЎзПИТИ-202", "ЎзПИТИ-203", "ЎзПИТИ-2201", "ЎзПИТИ-2601", "ЎзПИТИ-1601", "ЎзПИТИ-1602", "Термиз-202", "Бухоро-9", "Бухоро-103", "Оқдарё-8", "Полвон" сингари янги ғўза навлари Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг шохобчаларида синовдан ўтказилмоқда.



Айтиш жоизки, мазкур янги навлар асосий экилаётган навларга нисбатан кўплаб афзалликларга эгалиги билан ажралиб туради. Масалан, институтимизнинг Жиззах филиалида яратилган "Пахтакор-1" ғўза нави вилоятнинг экстремал шароитларига бардошли бўлиб, турдошларига нисбатан шўрга, сувсизликка чидамлилиги, эртапишарлиги, ҳосилдорлиги ва кўсакларнинг тез очилишига эгалиги билан фарқланади. Ёки бўлмаса, "ЎзПИТИ-2601" навини олайлик. Қашқадарё филиалида яратилган ушбу нав воҳанинг иссиқ ҳароратига, сувсизликка бардошли бўлиб, 4-5 кун эрта пишиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатлари юқорилиги билан устунликка эга.

Қисқача айтганда, ғўза селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш масаласига қаратилаётган эътибор, селекционер олимларга яратилаётган қулай шароитлар ўз мевасини бермоқда. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида яратилган ғўза навлари барча кўрсаткичлари жиҳатидан устунлиги, энг муҳими, саноатбоплиги халқаро миқёсда тан олинган бунинг яққол исботидир.

Бу йил тўққизинчи бор ташкил этилаётган Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси қатнашчилари шу каби навлар, уларнинг тола намуналари билан яқиндан танишиш, айни пайтда хариди бўйича тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш имкониятига эга бўладилар. Бу чет эллик саноатчилар учун яна бир қулайлик бўлиб, унда иштирок этувчилар сони йил сайин ошиб бораётганининг боиси ана шунда. Зотан, сифатли маҳсулот сифатли хом ашёдан тайёрланиши ҳақиқатдир.

**Баҳодир ХОЛИҚОВ,**
**Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти бош директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.**
**Жамолхон АҲМЕДОВ,**
**шу институтнинг етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори.**

**Давлат-тижорат Халқ банки филиалларида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ихтиёрий бадал киритган фуқаролар ўртасида 2013 йил 25 сентябрда ўтказилган ютуқлар тиражида ютуқ чиққан фуқаролар**
**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

| Т/р | Туман (шаҳар) филиали | Ҳисобварақ рақами | Ф.И.Ш. | Ютуқ номи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ғаллаорол филиали | 31301611540016 | Шонозов Неъматулла Тоғаевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 2. | Қува филиали | 31210664190021 | Мусулмонқулов Улуғбек Қушақбоевич | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 3. | Чироқчи филиали | 41206672700023 | Очилова Сайёра Элмурзаевна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 4. | Фарғона вил., Амалиёт филиали | 30309724130020 | Аҳмедов Раҳматжон Тўлқинович | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 5. | Пахтакор филиали | 30711811650014 | Сандибаев Ориф Мирзабекович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 6. | Чилонзор филиали | 30401620160032 | Абдушукуров Абдувахитходжа Фатихович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 7. | Қизириқ филиали | 30410601820010 | Туропов Самат Пардаевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 8. | Пастдарғом филиали | 42501623950012 | Ганиева Нодира Джураевна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 9. | Ўзбекистон филиали | 42604714250113 | Гозиева Тиловат Хакимовна | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 10. | Жондор филиали | 30210681110034 | Юлдашев Талат Тухтаевич | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 11. | Ғаллаорол филиали | 30507591580023 | Нуралиев Абдумавлуд Абдурашитович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 12. | Хоразм вил., Амалиёт филиали | 40903783180012 | Сабирова Назира Шамуратовна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 13. | Хоразм вил., Амалиёт филиали | 41003573160013 | Қаландарова Султонпошша Йўлдашовна | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 14. | Миришкор филиали | 32005592690067 | Тулаев Хусан Алиқулович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 15. | Сурхондарё вил., Амалиёт филиали | 33008591930029 | Жафаров Буриқул Саодатович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 16. | Жиззах вил., Амалиёт филиали | 30303831520011 | Норматов Қаршибой Рустамович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 17. | Ромитан филиали | 31606841100015 | Ўлмасов Одил | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 18. | Бувайда филиали | 41102784170034 | Икромова Муножатхон Анваровна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 19. | Иштихон филиали | 30503623910024 | Қурбонов Камол Нурмаматович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 20. | Поп филиали | 32608602120066 | Устамов Мовпутали Мамаджонович | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 21. | Жиззах вил., Амалиёт филиали | 41109781520059 | Мансурова Шахноз Закировна | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 22. | Тўрткўл филиали | 42202583420048 | Ходжаниязова Саражан Нуруллаевна | «Ўрда» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 23. | Шеробод филиали | 30804641851693 | Ортиқов Тўлқинбой Олтибоевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 24. | Булоқбоши филиали | 31803751280035 | Носиров Икромжон Каримович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 25. | Тошкент шаҳар, Амалиёт филиали | 40809590060010 | Кузьмина Татьяна Андреевна | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 26. | Хива филиали | 31903553180015 | Отажонов Назирбой | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 27. | Чироқчи филиали | 31209842700026 | Раҳмонов Улуғбек Бердиёрович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 28. | Пахтакор филиали | 32412485540019 | Бережнов Юрий Алексеевич | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 29. | Мингбулоқ филиали | 41001692200032 | Абдужаббарова Хадияхон Абдурахмановна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 30. | Поп филиали | 31010582070045 | Ахмедов Носир Акбарович | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 31. | Қуйи Чирчиқ филиали | 42406690540053 | Унгарова Айша Қаршибаевна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 32. | Сўх филиали | 30402704240024 | Алиев Юнусали Ахмадалиевич | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 33. | Боғишамол филиали | 42202543970019 | Юлдашева Фазолат | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 34. | Тошлоқ филиали | 32009774220060 | Омонов Зиёдилла Рахмоналиевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 35. | Тўрақўрғон филиали | 31205852130064 | Араббаев Бобир Шарофиддинович | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 36. | Бешкент филиали | 40312682610012 | Давронова Ойгул Зулфиевна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 37. | Мирзачўл филиали | 32803733940022 | Собиров Қаршибой Юнусович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 38. | Зафаробод филиали | 33011771640010 | Қурбоналиев Дилшоджон Абдухолиқович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 39. | Касби филиали | 31503602680095 | Турдиев Худоёр | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 40. | Чирчиқ филиали | 42612630470027 | Гафарова Евгения Джевдетовна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 41. | Чилонзор филиали | 42111500261115 | Атахаджаева Кульжахон Мегамедовна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 42. | Яккабоғ филиали | 30411802710010 | Худойбердиев Шерзод Даминович | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 43. | Қумқўрғон филиали | 33006781880091 | Сапаров Фахриддин Юлдашович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 44. | Сурхондарё вил., Амалиёт филиали | 41305571930020 | Назарова Озода Тиллаевна | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 45. | Хатирчи филиали | 31503512380029 | Қандахаров Хамидулло | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 46. | Учқўрғон филиали | 32301522150066 | Иномов Умматали Мамадалиевич | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 47. | Жиззах вил., Амалиёт филиали | 41212631580038 | Бегмонова Муяссар Нахалбоевна | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 48. | Китоб филиали | 40507802640057 | Боймуродова Дилсўз Толибовна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 49. | Оқдарё филиали | 31901583880031 | Рузимуродов Сайдимурод | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 50. | Қўшкўпир филиали | 30104833090067 | Хусинов Қахрамон Отабоевич | «Ўрда» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 51. | Ромитан филиали | 32511571100024 | Рузиев Мустаким | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 52. | Элликқалъа филиали | 32805753360020 | Жуманазаров Комил Баходирович | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 53. | Пастдарғом филиали | 41307763950014 | Пармонова Инобат Хаитмуротовна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 54. | Учтепа филиали | 32303731590039 | Аширматов Ихтиёр Маматкулович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 55. | Олмалиқ филиали | 31605520420057 | Носиров Евгений Майевич | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 56. | Хатирчи филиали | 31804722380031 | Қаршиев Шомирза Мамадаминович | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 57. | Қораул филиали | 32511453160010 | Худайберганов Курьяз Матназарович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 58. | Данғара филиали | 32602714280027 | Муйдинов Мухамадали Махмудович | «Ўрда» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 59. | Нурота филиали | 31512582360011 | Эшонқулов Нурали Раджабович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 60. | Ғаллаорол филиали | 40103611580029 | Болтаева Мохиба Хакимовна | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 61. | Пастдарғом филиали | 31604583950037 | Суванов Джуракул Каххарович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 62. | Каттақўрғон филиали | 31103603920026 | Бабаев Дилшод Нигматович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 63. | Хоразм вил., Амалиёт филиали | 42101590210036 | Юлдашева Гавхар Ибадуллаевна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 64. | Китоб филиали | 40409752640018 | Ашурова Наргиза Ёдгоровна | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 65. | Амалиёт филиали | 30106781590035 | Расулов Дилшод Бегалиевич | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 66. | Нарпай филиали | 41106703930013 | Туюнова Қизман Қаюмовна | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 67. | Амалиёт филиали | 32004612880033 | Эсангадиев Абдурашид Қуватович | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 68. | Элликқалъа филиали | 32305533360029 | Миришов Абат Меретович | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 69. | Қашқадарё вил., Амалиёт филиали | 32912692720012 | Тошев Баходир Джураевич | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 70. | Миробод филиали | 42903652640072 | Эгамбердиева Хафиза Қўлдошевна | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 71. | Хоразм вил., Амалиёт филиали | 32601823120019 | Аширов Сардорбек Хакимбаевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 72. | Мирзо Улуғбек филиали | 42510740360013 | Қаюмова Ильмира Рифкатовна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 73. | Бўка филиали | 30501540510028 | Чориев Хамза Мардонович | «Турон» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 74. | Жиззах вил., Амалиёт филиали | 30603561680015 | Маматқулов Турсунбой Ғайбуллаевич | «Турон» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 75. | Тўрткўл филиали | 30107613420072 | Рейимов Исламбой Курбабаевич | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 76. | Вобкент филиали | 33004751060023 | Вохидов Акмал Халимжонович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 77. | Қашқадарё вил., Амалиёт филиали | 31308572720019 | Шарипов Хайрулло Намозович | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 78. | Хонқа филиали | 41010693120018 | Ибрагимова Шарофат Исмоиловна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 79. | Учтепа филиали | 31001651590016 | Ишонқулов Инатулла Алиевич | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 80. | Келес филиали | 42903550530015 | Якубжанова Муаттор Анваровна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 81. | Оққўрғон филиали | 31105710480011 | Гоипов Туропжон Тухтаевич | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 82. | Данғара филиали | 30710524280011 | Сидиков Мадаминжон | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 83. | Темир йўл филиали | 31308323830013 | Шермамедов Джафар Нормамедович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 84. | Хоразм вил., Амалиёт филиали | 40909523160012 | Еременко Марьям Абдуллаевна | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 85. | Хўжайли филиали | 43011533490023 | Камалова Зоя Абдуллаевна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 86. | Жондор филиали | 32804621110015 | Абдуллаев Хусниддин Ражабович | «Зомин» санаторийси (она ёки ота билан бола) |
| 87. | Олмазор филиали | 33007660221495 | Мирзахмедов Мирхасан Мирфайзиевич | «Ўрда» санаторийси (2 ўринли люкс хона, 2 ўрин) |
| 88. | Шеробод филиали | 30208921851706 | Сафаров Абдусамад Тўрабой ўғли | «Ўрда» санаторийси (1 ўринли люкс хона, 1 ўрин) |
| 89. | Мингбулоқ филиали | 30912702120018 | Мамасалиев Косимжон Абиджанович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |
| 90. | Хатирчи филиали | 30812732380012 | Зоиров Шухрат Бахтиёрович | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 2 ўрин) |
| 91. | Тайлоқ филиали | 42507814050019 | Назруллаева Фарида Абдурофиевна | «Чинобод» санаторийси (2 ўринли люкс, 2 хонали, 1 ўрин) |

***Ҳайъат раиси М. Умаров Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари***
***Масъул котиб F. Полвонов Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимини бошқариш департаменти директори***

*Хизматлар лицензияланган.*

1736/235

**Полиграфия корхоналари раҳбарлари диққатига!**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ

**2014 йилга давлат статистика ҳисоботлари шаклларини нашр этиш бўйича танлов савдоси эълон қилади.**

***Талабгор полиграфия корхоналари қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:***

— *полиграфия соҳасида сўнгги беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлиши;*

— *нашр ишларини субпудрат ташкилотларини жалб қилмасдан амалга ошириш учун зарур асбоб-ускуна, техник воситалари ва кадрларга эга бўлиши;*

— *шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқий лаёқатига ҳамда ваколатига эга бўлиши.*

Танлов савдоси ҳужжатларини ариза берилгандан сўнг (фирма бланкасида раҳбар имзоси билан) Давлат статистика қўмитасининг қуйидаги манзилидан олиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 63-уй, 6-қават, 614-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 230-81-60, 230-80-82.**

Танлов бўйича таклифларни конвертларда юқорида кўрсатилган манзилга савдо ўтказиладиган куни соат 11.00 гача тақдим этиш мумкин.

Танлов бўйича таклиф конвертлари 2013 йил 11 ноябрда Давлат статистика қўмитасида соат 16.00 да танловда қатнашувчи корхоналар вакиллари иштирокида очилади.

1740R/986

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

## Бухоро вилояти филиали

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулчорбоғ кўчасида жойлашган (11 яшаш хонаси, ертўла, айвон, ҳаммом, дарвозахона), бинонинг ички ва ташқи қисмлари замонавий усулда таъмирланган, 2 қаватли тураржой биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 703 887 193 сўм.***

Аукцион савдоси 2013 йил 7 ноябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 ноябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70.**
**www.1kms.uz**

1737R/1453

***Лицензия: RR-0001.***

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

## «Асака» банки (ОАЖ)

**«Export Import Bank of Korea (Корея Республикаси) ва «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.**

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа |
| **Қарздор** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича***<br>«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар;<br>«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ҳамда хизматларидан фойдаланаётган Корея капитали иштирок этмаган компаниялар.<br>***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича***<br>Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредитлардан мақсадли фойдаланиш** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича***<br>Корея капитали иштирокидаги компаниялар учун:<br>— ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш;<br>— стратегик инвестициялар.<br>Корея капитали иштирок этмаган компаниялар учун:<br>— ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>— ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш.<br>***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича***<br>Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.**

***«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!***

1739R/15

**ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.**

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

*«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 5 ноябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:*

**I.** Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСҲ-1-69/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран савдога қўйилган:

**1.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган, ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м., ҳозирги кундаги биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар бўлиб, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчасидан иборат савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**2.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844,0 кв.м., фойдаланиш майдони 2892,3 кв.м., ўн бешта бинодан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**3.** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, умумий ер майдони 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м., тўртта бино ва иккита ҳовуз мавжуд бўлган чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**4.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги фактик асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м. бўлган қурилмалар, яъни ертўла биноси, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, иккита бостирма бузиб ташланган, автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**5.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулло қишлоғида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., икки қаватли, 2 та асосий бино, 7 та ёрдамчи бино, биринчи қаватдаги омборхона яшаш ҳолатига келтирилиб, қайта таъмирланган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, 12 та асосий хоналари бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм.***

**7.** Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, умумий майдони 836,0 кв.м., уч қаватли бино биринчи қаватининг бир қисмида жойлашган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**II.** Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран савдога қўйилган:

**1.** Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2013 йил 24 июндаги 10-1309-3210-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Олой деҳқон бозори» ОАЖ ҳудудида жойлашган, умумий майдони 424,0 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 420,0 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 488 030 000 сўм.***

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 20 апрелдаги 2-040-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғи Эрам кўчаси, 7-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 557,63 кв.м., икки қаватли ва ертўласи бўлган кўчмас мулк.

***Бошланғич баҳоси — 674 653 602 сўм.***

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 1 декабрдаги 1-576/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Барака кўчаси, 126-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 832 кв.м. бўлган икки қаватли уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 337 682 696 сўм.***

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.**
**Телефон: (8-371) 250-19-24.**

1735A/105

*Лицензия: № RR-0017.*

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ

**наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:**

**ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** *собственного производства на стеклотканой основе.*

**Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.**

***Тел.: (+99890) 988-09-69, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00.***




504R/44

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

*Баркамол авлод — жамиятнинг бебаҳо бойлиги, эртанги куннинг ишончи ва таянчидир. Шу боис мамлакатимизда ҳар томонлама етук ўғил-қизларни тарбиялаб вояга етказиш, оналар ҳамда болалар саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан бири саналади. Хусусан, шифо муассасаларини жаҳон андозаларига мос ускуналар билан таъминлаш, жойларда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, қолаверса, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўзининг ижобий самарасини бераётир.*

ТИББИЁТ

Айниқса, Президентимизнинг “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, репродуктив саломатликни асраш ҳамда оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатувчи даволаш масканларининг моддий-техник базаси босқичма-босқич мустаҳкамланмоқда.

Республика Перинатал марказида ҳам она ва бола саломатлиги муҳофазаси йўлида барча шарт-шароит яратилган. Марказ 125 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асраш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Мабодо, бўлажак она ҳомиладорлик даврида бирор хасталик билан оғриса, муддатидан аввал туғуруқ хавфи мавжуд бўлса, бу ерда унга малакали тиббий хизмат кўрсатилади. Эрта туғилган чақалоқлар эса алоҳида муҳитда парваришланади.



Шифо муассасамиз қошида туғуруқ, гинекология, неонатал жарроҳлик, реанимация, чақалоқлар ва ҳомиладорлар патологияси сингари бўлимлар, шунингдек, маслаҳат поликлиникаси фаолият кўрсатмоқда. Оналар ва болаларга намунали тиббий хизмат кўрсатишимиз учун барча имконият етарли. Туну кун ишлайдиган реанимамобиль ёрдамида пойтахтдан олис ҳудудда яшовчи беморларга ҳам шошилинч тиббий кўмак берилади. Ўтган йили эса марказимиз маслаҳат поликлиникаси ва неонатология бўлимларининг янги қурилган биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу бўлимлар “Sen yolg`iz emassan” жамғармаси ҳомийлигида замонавий технологиялар билан жиҳозланди.

Айни чоғда мазкур шифо маскани юртимиздаги барча репродуктив саломатлик масканларининг реаниматолог мутахассислари учун илмий-амалий марказ вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу ерда реанимация маслаҳати бригадаси доимий иш олиб бораётганлиги боис ҳудудлардаги мутахассислар беморларни даволаш борасида марказдан керакли тавсияларни олишади. Бундан ташқари, муассаса шифокорлари иштирокида мамлакатимизнинг барча вилоятларида “Соғлом она — соғлом бола” шиори остида семинар-тренинглар мунтазам ташкил этилади. Бу эса, ўз навбатида, марказимизга мурожаат қилувчиларга маъқул бўлмоқда. Дилрабо Ҳусанова — ана шундай юртдошларимиздан бири. У ўз фарзандининг муддатидан бир ой аввал туғилгани учун хавотирда эди. Шифокорларимизнинг фидойилиги, ғамхўрлиги, қолаверса, марказда юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган имкониятлар туфайли у гўдагини соғ-саломат бағрига олди.

Очиғи, камқонлик, йод ва дармондорилар етишмовчилиги, буйрак хасталиги сингари туғилажак фарзанднинг соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган ҳолатлар кечиктирмай аниқланиб, зарур муолажалар қилиниши бехатар туғуруқ кафолатидир. Ҳозирги кунда юртимиз шифокорлари томонидан кенг жамоатчилик орасида доимий тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилаётганлиги туфайли бундай асоратли хасталиклар билан боғлиқ муаммолар вақтида бартараф этилишига эришилмоқда. Буларнинг барчаси соҳада кузатилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайлидир.

**Саида ҲАСАНОВА,**
**Республика Перинатал маркази директори ўринбосари.**

---

## Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

***Футбол бўйича 2014 йили Мьянма давлатида ўтказиладиган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал босқичида қатнашадиган жамоалар номи маълум бўлди.***

### Ёш футболчиларимиз финал босқичида

Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан ташкил этилган саралаш турнирида қитъамизнинг 37 мамлакати жамоаси тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда йўлланмалар учун кураш олиб борди. Мусобақа регламентига кўра, ҳар бир гуруҳ ғолиби ҳамда энг яхши кўрсаткичга эга бўлган яна олтита иккинчи ўрин эгасига қитъа чемпионатида тўп суриш ҳуқуқи берилди.

“А” гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси қитъа чемпионати йўлланмаси учун Қатар, Ҳиндистон, Непал ва Туркманистон футболчиларига қарши баҳс олиб борди.

Қатар мамлакати мезбонлик қилган беллашувларда вакилларимиз дастлаб туркманистонлик рақибларини 1:0, кейин непаллик тенгдошларини 5:0, ҳиндистонлик ёш футболчиларни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Гуруҳдаги сўнгги учрашувда эса мезбон давлат Қатар футболчиларига 2:1 ҳисобида имконият бой берилди.

Шу тариқа тўрт ўйинда тўққиз очко жамғарган вакилларимиз гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаб, Осиё чемпионатининг финал босқичига йўл олди.

Келаси йилнинг 5 — 22 октябрь кунлари ўтказиладиган Осиё чемпионатида мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Австралия, Хитой, Индонезия, Эрон, Ироқ, Япония, Уммон, Корея Халқ Демократик Республикаси, Қатар, Жанубий Корея, Таиланд, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам ва Яман футболчилари совринли ўринлар ҳамда 2015 йили 20 ёшгача футболчилар ўртасида ташкил этиладиган жаҳон чемпионатининг тўртта йўлланмаси учун ўзаро беллашади.




### Осиё кубогидаги ажойиб ғалаба

***Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида велотрек бўйича Осиё кубогининг дастлабки босқичи бўлиб ўтди.***



Нуфузли мусобақада вакилларимиз ҳам муносиб иштирок этиб, биттадан олтин, кумуш ва бронза медалига сазовор бўлдилар.

Жумладан, спортчиларимиздан Юрий Шермаҳамедов ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда барча рақибларини ортда қолдириб, маррани биринчи бўлиб кесиб ўтди.

Алла Безуглова эса уч километрлик пойгада иккинчи ўрин эгасига айланди.

Тажрибали спортчимиз Владимир Тўйчиев катталар ўртасида тўрт километрлик пойгани учинчи бўлиб якунлади.

### Умумжамоа ҳисобида биринчи

***АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида таэквондо (ITF) бўйича халқаро турнир ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 7 та олтин, 5 кумуш ва 2 та бронза — жами ўн тўртта медални жамғариб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди.***

Дунёнинг ўнга яқин давлатидан келган 300 нафардан зиёд спортчи совринли ўринлар учун кураш олиб борган мазкур мусобақада вакилларимиздан Камронбек Тоҳиров ва Иброҳим Зоҳидов комплекс машқ бажариш ҳамда яккама-якка беллашув йўналишида иккитадан олтин медалга сазовор бўлди.

Мазкур йўналишларда ўз имкониятини синаб кўрган Ҳасан Иномжонов, Муҳаммад Аҳмеджонов ва Заргуна Аҳрорқулова биттадан олтин ва кумуш медали билан тақдирланган бўлса, Абдулазиз Аъзамов биттадан кумуш ва бронза медалига эгалик қилди.

Мусобақа дастуридан ўрин олган яккама-якка беллашувларда терма жамоамиз аъзоларидан Суҳроб Нафуллаев ва Амиржон Абдураимов совриндорлар сафидан жой олди.

Халқаро турнир якунларига кўра, АҚШ ва Пуэрто-Рико терма жамоалари мос равишда иккинчи ва учинчи поғонани банд этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

---

## Халқ амалий санъати маркази

*Ғиждувон шаҳрида таниқли кулол Алишер Нарзуллаев ташаббуси билан халқ амалий санъати маркази очилди.*

ТАШАББУС

Айтиш жоизки, Нарзуллаевлар сулоласи вакиллари нафақат кулоллик, балки каштачилик, зардўзлик, патдўзлик сингари халқ амалий санъати турлари ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаяптилар. Марказда ана шу йўналишларда “Устоз — шогирд” анъанаси асосида ишловчи ҳунармандлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда, шунингдек, миллий бош кийимлари ҳам тикилмоқда. Яқин истиқболда заргарлик устахонасини очиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, марказда музей-кўргазма ҳам ташкил этилди. Ундан Нарзуллаевлар сулоласи томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналари ўрин олган. Музей-кўргазмани томоша қилиб, миллий ҳунармандчиликнинг унутилаёзган турлари истиқлол шарофати билан қайта тикланганига гувоҳ бўлиш мумкин.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

ТАЪЛИМ

*Ёш авлоднинг замонавий асосда пухта билим олиши ва келажакда етук малакали мутахассис бўлиб етишишини таъминлаш энг устувор мақсадларимиздан биридир. Фахрлансак арзийдики, эртамиз эгалари ушбу юксак ғамхўрликка жавобан, қунт билан илм ўрганиб, хорижий тилларни мукаммал ўзлаштириш, замон талабига мос илғор мутахассисликларни эгаллашга астойдил интилмоқдалар.*

## Илм чўққисига интилган авлод

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳам ана шундай иқтидорли ёшлар учун яратилган бекиёс имкониятлар сирасига киради. Президентимиз ташаббуси билан бундан олти йил муқаддам ташкил этилган мазкур ўқув юрти олий таълимнинг умумэътироф этилган халқаро талаблари ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Ўқув даргоҳида банк иши ва молия, бизнес ва маркетинг, саноат менежменти, туризм ва меҳмонхона хизмати, бизнесда замонавий ахборот технологиялари ҳамда бухгалтерия йўналишларида юқори малакали мутахассислар тайёрланаётир.

Куни кеча ушбу институтнинг бакалавр ва магистр йўналишини тамомлаган 246 нафар битирувчига мутахассислик дипломи топширилди. Тантанали маросимда талабалар, битирувчилар ҳамда уларнинг ота-оналари, устоз ва мураббийлари иштирок этишди. Тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз ёшларининг миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида таълим олишлари, кенг дунёқараш соҳиби бўлиб етишишлари йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар хусусида алоҳида тўхталдилар. Юртбошимизнинг “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт”, деган сўзлари бугунги ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар мисолида ҳаётий тасдиғини топаётганлиги мамнуният ила таъкидланди.

Институт ахборот хизматининг маълум қилишича, мазкур нуфузли ўқув даргоҳи бугунги кунда Франция, Буюк Британия, Австралия сингари ривожланган давлатлар олий таълим тизими билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган.

— Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун имкониятлар тобора ортиб бормоқда, — дейди мазкур институт битирувчиси Д. Султонов. — Шундай бўлгач, биз, ёшлар бу борада етарлича билим ва малакага эга бўлишимиз, янгидан-янги ташаббусларни илгари суришимиз лозим. Айнан шу боис “Бизнесда замонавий ахборот технологиялари” йўналишида билимларимни бойитдим. Мана, бугун институт дипломига эга бўлдим. Энди асосий мақсадим, ўз соҳамни мукаммал биладиган мутахассис сифатида юртимиз тараққиётини янада таъминлашга хизмат қилишдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАН 11 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2013 йил 9 сентябрдаги 83-сонли буйруғи.*

**2013 йил 9 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2515 (2013 йил 14 октябрдан кучга кирди).**

2. «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 18 сентябрдаги 14, 87, 01-02/19-27-сонли қарори.*

**2013 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 428-7 (2013 йил 14 октябрдан кучга кирди).**

3. «Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаштириш тизимида ишлар ва хизматларга ҳақ тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2013 йил 18 сентябрдаги 439-сонли буйруғи.*

**2013 йил 11 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2516 (2013 йил 14 октябрдан кучга кирди).**

***II. Давлат реестридан чиқарилди:***

1. «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруқ *(рўйхат рақами 1744, 2007 йил 29 ноябрь). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 9 октябрдаги 306-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

2. Ишларга ҳақ тўлаш тартиби *(рўйхат рақами 722, 1999 йил 11 май). Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази томонидан тасдиқланган.*

**Адлия вазирининг 2013 йил 11 октябрдаги 308-мҳ-сон буйруғи билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

«SN INVEST» компанияси
қуйидагиларни етказиб беради:
- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



Маҳсулот сертификатланган.
Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz
87R/43

*(«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 17 октябрь, пайшанба куни чиқади).*

● Реклама ва эълонлар ●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2014 йил учун катта илмий ходимлар-изланувчилар институтига танлов эълон қилади:**

**01.02.00 Механика**
01.02.03 — Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси — 2 ўрин
01.02.05 — Суюқлик ва газ механикаси — 1 ўрин

**05.23.00 Қурилиш**
05.23.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари — 2 ўрин

**18.00.00 Архитектура**
18.00.01 — Архитектура назарияси ва тарихи. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш — 2 ўрин
18.00.02 — Бино ва иншоотлар архитектураси — 2 ўрин
18.00.03 — Шаҳарсозлик, районлаштириш. Ландшафт архитектураси ва қишлоқ тураржойларини режалаштириш — 2 ўрин

*Катта илмий ходим-изланувчиликка ҳужжатлар жорий йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 13-уй, Тошкент архитектура-қурилиш институти бош биноси, 2-қават, 217-хона. Телефонлар: (8-371) 241-80-02, 241-11-73 (илмий бўлим). Электрон почта: taqi-ib@mail.ru**
1738R/988

*Республика аҳолиси диққатига!*
**Сиз ўз маблағингизни тежашни истайсизми?**
**ДАЛВАРЗИН ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ**
**«ISUZU» ва «КамАЗ» русумли автотранспорт воситаларини сиқилган ва суюлтирилган газда ишлашга ўтказиш таклифини беради.**



*Тўловлар келишилган шаклда амалга оширилади.*
**Манзилимиз:** Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Зафар қўрғони.
**Мурожаат учун телефонлар:** (+998-93) 549-15-15, (+998-98) 121-18-07.
1581A/890

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти “Халқ сўзи”-нинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Нормурод Темировга волидаи муҳтарамаси **ЗУБАЙДА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Жамолиддин Якубовга падари бузруквори **АБДУВАЛИ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 76 496 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.**
**Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.**
**Навбатчи — С. Махсумов.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.45** 1 2 3 4 5